

Экология ўқитувчисидан талабаларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини таркиб топтириш мақсадида талабаларнинг мустақил ишлари ва таълимига эътибор қаратиши, талабаларнинг ўз-ўзини баҳолаши учун мавзулар бўйича стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари базасини яратиши, уни компьютер хотирасига жойлаштириб адаптив тест топшириқларига айлантириши, шунингдек, талабалар билан ўтказиладиган маънавий дақиқаларида жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал камолотга эришишга йўналтириш талаб этилади.

Экологик таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялар, жумладан, талаба шахсига йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш талабаларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясини таркиб топтириш имконини беради.

Табиат муҳофазасига оид кечалар, кўкаламзорлаштириш тадбирлари, таниқли ёзувчилар ва олимлар билан учрашувлар ўтказиш талабаларда ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини таркиб топтиришга замин тайёрлайди.

Талабалар билан ўтказиладиган мавзули кечалар, тадбирлар, учрашувлар, шанбаликлар талабаларда умуммаданий компетенцияларни таркиб топтиришда муҳим рол ўйнайди.

Юқорида қайд этилган фикрлар экологияни ўқитишда талабаларда таянч компетенцияларни таркиб топтиришга замин тайёрлайди.

Экологияни ўқитишда ўқитувчи талабаларда таянч компетенциялар билан бир қаторда экологик компетенцияларни таркиб топтириш ва ривожлантиришни назарда тутиши лозим.

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш фанини ўқитишда экологик компетенциялар гуруҳига қуйидагилар киритилади:

1. Экологик объектларни таниш, уларда содир бўладиган жараёнларни тушуниш ва изоҳлаш компетенцияси;

2. Экологик объект, жараёнлар устида кузатиш ва тажрибаларни ўтказиш компетенцияси;

3. Соғлом турмуш тарзи ва экологик компетенция;

Экология ўқитувчиси экологияни ўқитишнинг барча шакллари: машғулот, машғулотдан ташқари ишлар, экскурсиялар ва гуруҳдан ташқари машғулотларда талабаларда таянч ва экологик компетенцияларни таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёнини яхлит ва тизим ҳолида тасаввур қилиши лозим.

Экология ўқитувчиси экологияни ўқитишда компетенциявий ёндашувни амалга оширишда таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари билиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, экологияни ўқитиш жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали билимларни онгли ўзлаштириш ва амалиётда қўллашга эришиш компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг муҳим шarti саналади.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ТУРЛИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Махмудова Хурматой - ассистент
xurmatoymaxmudova48@gmail.com*

Фаргона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Долзарблиги. Бугунги кунимизда таълим тизимида экологик таълимни ривожлантиришнинг асосий тамойилларини белгилаш, уларни изчиллик билан босқичма-босқич таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш ва шу асосида экологик таълимнинг самарадорлигини янги босқичларга олиб чиқишда бир қанча муаммолар кўзатилмоқда. Экологик таълим-тарбия беришни, экологик билимларни тарғиб қилишни, кўрик-танловлар ўтказишни, ижтимоий реклама ва шу кабиларни ташкил этиш зарурдир. Таълим дастурларини мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, таълим олувчиларнинг эътиборини умумбашарий

экологик муаммоларга қаратиш орқали уларнинг она табиатнинг қайта тикланмас манбаларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича масъулиятли бўлишга ўргатишдир.

Экологик таълимнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш учун экологик таълимнинг сифатини, кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини, барқарор ривожланиши кафолатларини ва устуворлигини таъминловчи моддий-техника ва ахборот базасини яратиш ва экология ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат органлари таълим соҳасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш каби ишлар ўта муҳим ҳисобланади. Таълим дастурлари ўрта, катта ва мактабгача тайёрлов гуруҳлари учун жонсиз табиат яъни ўсимликлар дунёси, жонли табиат яъни ҳайвонот дунёси тушунчаларини уйғотишга йўналтирилади. Бунда, мавзуларни қайта белгилашда ер юзида, шу жумладан, юртимизда йўқолиб бораётган ва камёб турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда уларни асраб-авайлаш масаласига алоҳида урғу берилади. Мактабгача таълим тизимида тарбияланувчиларнинг экологик онги уларнинг кўзига яққол ташланадиган атроф табиий муҳит билан «Она табиат» мавзусида очик ҳавода таништирув соатлари ўтказиш, расмлар чиздириш, атроф олам ҳақидаги шеърларни ёд олдириш, машқларни бажартириш ва турли мавзудаги ўйинларни ташкил этиш орқали шакллантирилади. Ўрта мактабларда ўқув фанлари доирасидаги экологик билимларни бериш ва амалиётга жорий этиш, уларни амалиётда қўллай олиш имконини берувчи амалий топшириқлар билан бойитиш яъни назария муҳокамадан амалиётга ўтиш. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида умумэкологик таълим талаблари билан бир қаторда атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг кундалик қоидалари ва маҳаллий миқёсда барқарор ривожланишнинг экологик хусусиятлари очиб берилади. Бу борада муайян умумкасбий ва махсус фанлар таркибига «Асосий экологик омиллар ва экологик тизимлар тўғрисида тушунча», «Табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш», «Экология соҳасида инновацион ғоялар ва технологиялардан фойдаланиш» каби мавзулар киритилади. Экологик таълимни ривожлантиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилади. «Экология ва атроф муҳит муҳофазаси» бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурларига киритилади.

Хулоса. Экология соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда замонавий педогогик технологиялардан келиб чиқиб такомиллаштирилади. Вазирликлар ва идораларнинг талаб ва таклифлари, кадрларга бўлган эҳтиёж ва таҳлиллар асосида экологик вазиятнинг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб олий таълим тизимида «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари»га янги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Олий таълим тизимининг бакалавриат ва магистратура босқичлари экологик йўналишларида экология ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича тегишли ўқув фанлари мазмуни кучайтирилиб қўшимча мавзулар билан бойитилади. Талабаларга фан дастурларида белгиланган ҳажмда тегишли билимлар берилади ҳамда уларда зарур малака ва кўникмалар шакллантирилади.